

---

## ТИНЧЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Бугун ички ишлар органлари ходимлари куни. Бу кун, тинчлигимиз, осойишталигимиз учун туну кун хизмат қилаётган фидойи кишилар билан бирга барчамизнинг байрамимиз.

Ёзёвонда ички ишлар органлари ходимлари байрами бу сафар ўзгача нишонланди. Муסיқа ва санъат мактабида тинчлик посбонлари ва фахрийларни жажжи ўғил-қизларимиз гулдасталар билан кутиб олдилар.

Ҳар бир соҳанинг ҳам ўз тарихи бор, жумладан посбонларнинг ҳам. Мустақиллигимизнинг дастлабки алғов-далғовли йилларида Ёзёвон туман ИИБ бошқарган раҳматли Таризел Маҳмудов, Раҳматжон Мирзаев ва бошқа кўплаб ходимларни ҳар қанча хотирласак, эъзозласак арзийди.

Туман ҳоқими Й.Бойигитов ички ишлар органлари ходимлари касб байрамлари билан қутлаб, осойишталигимиз йўлида олиб бораётган ишларида мувафаққиятлар тилади. Бу соҳанинг фидойиларига байрам совғалари топширилди.

Байрам тантаналарида ҳоқим ўринбосарлари, секторлар раҳбарлари, ХТБ, МТТ мудирлари, ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлар раҳбар-ходимлари иштирок этдилар.

Мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотларининг ёш санъаткорлари концерт дастури намоиш қилдилар.

**Ёзёвон тумани ҳоқимлиги матбуот хизмати**

2019-10-29 10:34:36